

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2022-3

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2022

Бош муҳаррир:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳасанов Шодлик Бекўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Таҳрир хайати:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.

Абдуллаев Равшан Бабажонови, тиб.ф.д., проф.

Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.

Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.

Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.

Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.

Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.

Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.

Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.

Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.

Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.

Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.

Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.

Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.

Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.

Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.

Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.

Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.

Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.

Рўзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.

Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.

Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.

Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.

Сапарбаева Гуландам Машиариповна, ф.ф.ф.д.

Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.

Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.

Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик

Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.

Чўпонов Отаназар Отожонови, ф.ф.д., доц.

Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.

Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.

Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.

Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.

Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.

Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.

Ҳасанов Шодлик Бекўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№3 (87), Хоразм Маъмун академияси, 2022 й. – 480 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

МУНДАРИЖА АРХИТЕКТУРА ФАНЛАРИ

Raximov L.Sh. Madaniy ma'rifiy markaz binolarida saxna qismini loyixalash	7
Qodirova S.O., Urazbaeva Sh.K. Zamonaviy kutubxona binolarini tashkil etishning arxitekturaviy kompozitsion yechimlari tahlili va takliflari	9
Бозоров М.М., Аралов М.М., Бозоров М.М. Қарши шаҳар геодезик пунктлари координаталарини рекогносцировка орқали аниқлаш	13
Убайдуллаева Д.Ф. Факторы плотности населения, как главный показатель в расчете сети общественных зданий	17

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Bo'riyev S.B., Raximov J.R., Usmonova Sh.M., Qalandarova Z.D. Buxoro viloyatidagi sun'iy suv havzalarida baliq chavoqlarini oziqlantirish usullari	20
Jumaniyazova Sh.I., Mambetullaeva S.M., Komiljonova S.X. Monitoring and ecological assessment of natural lakes in Khorezm region of Uzbekistan	23
Koshanov D.E., Rzaev R., Ramazanov M. Anthropometric and functional indicators of the youth in different regions of Karakalpakstan	28
Orudzhova Sh.M. Seliteb complexes and their development dynamics of Arazboyu plain in Nakhchivan Autonomous Republic	30
Raximov J.R., To'rayeva H.T., Bahronova D.T., Azamatov Sh.A. Zooplankton organizmlarni o'stirish texnologiyasi	34
Абдуллаев И.И., Рўзметов Р.С., Матякубов Ш.З., Досчонова М.Б. Термитлар тарқалган маҳаллаларда термит ўчоғига айланиш эҳтимоллигини аниқлашда рақамли технологиялардан фойдаланиш	38
Азимов И.Т., Тошпўлатова Н.И. Оҳангарон дарёси ҳавзасида тарқалган бетагали қораарчазорларнинг фитоценотик хилма хиллиги ва экологик ҳолати	40
Арепбаев И.М., Акрамова Ф.Д., Шакарбаев У.А., Ёркулов Ж.М., Мирзаева А.У., Азимов Д.А. Жизненный цикл <i>Bilharziella polonica</i> (Schistosomatida: Bilharziellidae) – паразита водно-болотных птиц	43
Бекчанов Х.У., Абдуллаева М.Р., Комилжонова Г.К. Фауна, фенология лёта и частота встречаемости семейства хохлаток - <i>Notodontidae</i> (Insecta, Lepidoptera) в Нижне-Амударьинском государственном биосферном резервате Республики Узбекистан	53
Мамадияров М.У., Мамадиярова Д.У. Некоторые биологические особенности павловнии войлочной и ташкентского читальпа	65
Рахимов Ж.Р., Усмонова Д.Б., Амонов А.Ў., Норова Д.Х. Балиқчиликни ривожлантиришда балиқ озукаси сифатида тубан сув ўтларнинг аҳамияти	67
Рахимова М.Б., Эсанов Р.С., Курбанназарова Р.Ш., Мерзляк П.Г., Гафуров М.Б., Сабиров Р.З. Глицерет кислотасининг айрим алкалоидлар ва гетероҳалқали аминлар билан ҳосил қилган комплексларини ҳужайра ҳажм бошқарилишига таъсири	70
Турдиев Д.Э., Мустафина Ф.У., Газиев А.Д. Ўзбекистон флораси учун эндем бўлган <i>Oxytropis</i> DC. (Fabaceae Lindl.) туркуми турлари	74
Эргашев О.Р., Аликулов Э.О., Абдурасулов Ф.Ш., Абдурасулов Ш.Э. Турлича ҳудуд ва шароитларда парваришланган ўрта толали ғўза шаклларининг минг дона чигити оғирлиги кўрсаткичларини қиёсий фарқланиши	83

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ

Matyakubova Y.A., Raximov Sh.Sh., Yo'ldasheva Sh.X. Yangi va istiqbolli kuzgi bug'doy navlarining hosildorligiga sug'orish rejimining ta'siri	85
Yunusov R., Ganiyeva F.A., Salimova H.X., Islomov B.Sh. Olma daraxti novdalarining o'sishi va meva shakllanishining biometrik tavsifiga me'yorlashgan qirqishning ta'siri	87
Абурахмонов Н.Ю., Собитов Ў.Т., Курдашев К.Д. Суғориладиган гипсли бўз-ўтлоқи тупроқлардаги гумус ва озика элементлари миқдори	90
Болқиев З.Т. Қаттиқ буғдой биометрик кўрсаткичларининг дон ҳосилдорлигига коррелятив боғлиқлиги	93
Давлатов Ж.Ш., Сафаров А.А., Сағдиев М.Т. Шўрланган тупроқ шароитида шולי етиштиришда янги стимуляторни қўллаш	97
Дилмуродов Ш.Д. Кузги юмшоқ буғдойнинг дон сифати юқори тизмаларини танлаш	100
Карабаев И.Т., Ахмадалиев А.У. Ерга турли усулда ишлов беришнинг кузги буғдой ҳамда такрорий экин мошининг униб чиқиши таъсири	103
Каюмов Н.Ш., Зиядуллаев З.Ф., Дилмуродов Ш.Д. Лалмикор майдонларда экиб ўрганилган нўхат нав ва тизмаларнинг ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсаткичи	106
Облоқулов А. Ўзбекистон иқтисодиёти эркинлаштириш шароитида шолчиликни ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва ўзига хос хусусиятлари	108
Реимов Н.Б., Кдырбаева Г.У. Орол бўйида деҳқончилик агротехнологиясини такомиллаштиришда ихтисослашувнинг аҳамияти	112
Рўзиева З.А., Эргашева Х.Б. Respublikada urug'lik bug'doy doniga ishlov berishning zamonaviy holati	115
Эргашева О.Х., Мадримов Р.М., Эшназаров Ш.Н. Қашқадарё вилояти лалми тупроқларининг ҳозирги ҳолати ва улардан фойдаланиш	120

Юнусов Р., Ганиева Ф.А., Раҳимова М.А., Бўриева Д.И. Интенсив олма боғларида кесишнинг ўсиш ва мева беришнинг фитометрик кўрсаткичларига таъсири	123
ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ	
Axmedova S.I. Investitsiya va qurilish faoliyatini davlat tomonidan tartibga solish va takomillashtirish	127
Davronov I.O. Economic improvement of innovative services in Bukhara hotels	130
Mixliyev J.M. Xizmatlar sohasida oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirishning maxallabay ishlash tizimi asosida takomillashtirish	134
Rabbimov E.A. Current level and dynamics of usage on advertising services in the region	136
Артикова Р.А. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳамда уларнинг мамлакат бюджетдаги аҳамияти	142
Ачилов М.У. Мева-сабзавотчилик тармоғини модернизациялашнинг асосий йўналишлари	144
Ибадуллаев Д.И. Инвестиция салоҳиятининг минтақавий хусусиятлари ва омиллариининг ўзига хос жиҳатлари	147
Мамаатов Б.С. Пенсияларнинг энг кам миқдорларига киритилган ўзгартиришлардан хабардормисиз?	151
Матякубов У.Р. Оролбўйи минтақасида туризм соҳаси кўрсаткичларини эконометрик моделлаштириш ва прогнослаш масалалари	155
Мухторов Ў.Б., Хўжақулов А.Я. Қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерлардан белгиланганидан бошқа мақсадда фойдалинганда жарима миқдорларини аниқлаш мезонлари ва услубларини такомиллаштириш	161
Салаев С.К., Таджиев Б.У. Ўзбекистонда камбағаллик даражасини қисқартиришда КБХТнинг ўрни	167
Умронов Э.С. Туристтик корхоналарда тadbirkorlik фаолиятини ривожлантириш хусусиятлари	171
Чориев А.Ж. Арзон “пакет”нинг қимматга тушган муаммоси	176
Яқубова Х.У. Деҳқон хўжалиқлар ва томорқа ер эгаларининг имтиёзли кредитлар билан таъминлаш ва улардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати	178
ТАРИХ ФАНЛАРИ	
Hayitov Sh.A., Radjabova N.M. XX asr boshlarida Turkistonda Yevropa cholg'u va musiqa asboblarining do'konlari tarixidan	182
Lapasov M.X. Buxoro va Rossiya savdo aloqalarining rivojlanishi	184
Sattorov N.A. Tarixiy Turkistonda etnos masalasini kun tartibiga quyilishining g'oyaviy asoslari	187
Аллаев М. Қашқадарё воҳасида меъморчиликнинг ўзига хос услублари ва унинг тарихий босқичлари	190
Бўронов А.Х. Ўзбекистонда жамоат ташкилотлари фаолияти тараққиётининг ҳозирги босқичида	192
Ғойибов Б.С., Аҳмадов Д.Х. Илк ўрта аср Суғд тарихини ўрганишда бақтрий манбаларнинг аҳамияти	195
Деҳқонов А. Юртимиз тарихини ўрганган хорижлик олимлар: И. А. Кастанье ва унинг илмий фаолияти	197
Жайнаров О.Х. Туркистон АССР адлия халқ комиссарлиги структурасидаги ўзгаришлар (1918–1924 йиллар)	200
Зарипов Ж.Г. Обеспечения трудовыми ресурсами промышленной зоны Бухарской области во все времена реорганизаций организованного набора рабочих в 1950-1960 гг.	203
Махмудов Б.З. Юсуф Хос Ҳожиб – туркий адабиёт пойдеворининг меъмори	206
Махмудов Д.А. “Марказий Суғд” тарихининг ўрта аср манбаларида ёритилиши	209
Мирзаев А.А. Диний туризмнинг туризм индустриясидаги ўрни	212
Раҳимов Ш.Б. Ривожланган ўрта асрларда Қалмиқкирилган қабристон ёдгорлигининг болалар дафн маросимларига доир баъзи мулоҳазалар	214
Раҳмонов Ф. Жанубий Ўзбекистон деҳқончилигидаги ерга ишлов бериш қуролларининг этнолокал жиҳатлари	217
Юлдашев Ю.Х. XX асрнинг 20-30-йилларида Хоразм воҳасидаги тарихий жараёнларнинг архив ҳужжатларида акс этиши	220
Юлдошова Г.П. Огаҳийнинг “Риёз уд-давла” асарида Оллоқулихон даврининг ёритилиши	223
Яқубов Ғ. XX Асрнинг 80 - йиллари иккинчи ярмида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги мураккаб вазият ва унинг оқибатлари	227
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Abdulvohidova N.S., Qodirova M.T. Aviatsiyaga oid leksik birliklarning pragmatik xususiyatlari	230
Abdushukurova S.B., Qodirova M.T. Ingliz va o'zbek tilida tibbiyot turizmiga oid leksik birliklarning lisoniy xususiyatlari	232
Alaudinova D.R. Teaching and developing oral skills in future English teachers	234
Boboqulova U. Abadiy buyuklik timsoli	237
Haqnazarova S. Abdulla Sher ijodida tarjimaning o' rni	241
Hamidova M.A. Ingliz va o'zbek tillarida o'timli fe'llar tasnifi muammosi	243
Jarkinova T.A. Yusuf Shomansur she'rlarining mavzu ko'lami va lirik qahramon tabiati	247
Kimsanboyeva B.N., Zulaypoyeva G.U. Iqbol Mirzo idiostilida “takror” sintaktik figurasining qo'llanilishi	250
Khamrakulov T.P. Principles of Kazuo Ishiguro's aesthetic worldview and their evolution	252
Madjidova D. Types of errors in foreign language teaching	255
Murodova D.N. American literature and James Fenimore Cooper	257
Namazova M.U. Amir Xudoyberdi ijodida milliy qadriyatlarning badiiy talqini	259
Pulatova D.D. Murojaat shakllarining gender jihatdan xoslanishi	263

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора тадбирлари тоўғрисида» ги фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида» ги фармони.
3. Қўзиёв Р.Қ., Сектименко В., Исманов А. Ўзбекистон Республикаси тупроқ қопламлари атласи. Тошкент-2010 й.
4. Қўзиёв Р.Қ., Сектименко В. Почвы Узбекистана, Ташкент «EXTRE MUM PRESS» - 2009 г.
5. Қўзиёв Р. Распределение гумуса и питательных элементов в различной степени эродированных светлых сероземах. Эрозия почв научные основы борьбы с ней. Ташкент. Изд-во «Мехнат». 1986.
6. Қўзиёв Р., Абдурахмонов Н.Ю. Жиззах вилояти лалми тупроқлари ва уларнинг унумдорлигини баҳолаш. Ўзбекистон Аграр фани хабарномаси. Тошкент 2003. №3. 89-91 бетлар.
7. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги Миллий ҳисобот. Тошкент.2009й.
8. Набиева Г.М., Гафурова Л.А., Кадилова Д.А., Саидова М.Э., Джалилова Г.Т., Садиқова Г.С. Горные почвы Узбекистана и их биологическая активность. // Материалы докладов VI съезд общества почвоведов им. В.В.Докучаева. Книга-2. М.: 2012. – С. 387-388.
9. Шадиёва Н.И. Тоғ ён бағри эрозияланган лалми ва суғориладиган тупроқларининг гумусли ҳолати, хоссалари, унумдорлиги (шимолий Туркистон ва Фарбий Чотқол тупроқлари мисолида):.Автореф. дис. ... канд. биол. наук. – Т.: 2010. - С. 12-21.
10. Тошқўзиёв М.М., Шодиёва Н.И. Гумусное состояние горных, предгорных почв и вопрос формирования гумусов их веществ // Ж.: Вестник Киргизского Национального Аграрного Университета им. К.И. Скрябина. - Бишкек, 2017. - С. 113-120

ЎЎТ.634.11.630

**ИНТЕНСИВ ОЛМА БОҒЛАРИДА КЕСИШНИНГ ЎСИШ ВА МЕВА БЕРИШНИНГ
ФИТОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ**

**Р.Юнусов, доцент, к.х.ф.н., Бухоро давлат университети, Бухоро
Ф.А.Ганиева, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро
М.А.Раҳимова, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро
Д.И.Бўриева, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро**

Аннотация. Мақолада интенсив олма боғлари барпо қилишда қўлланиладиган нав пайвандтаглар, кесиш усуллари ва даражалари, ўсиш, ривожланиш ва ҳосилдорлигига таъсири Бухоро туман тупроқ –иқлим шароитида ўтказилган дала тажрибалари тўғрисида илмий маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: интенсив олма боғлари, нав-пайвандтаг, кесиш усуллари ва даражалари, ўсиш ва ривожланиши фитометрик кўрсаткичлар, самарадорлик.

Аннотация. В статье приведены научные сведения о способах и уровнях обрезки сортов, используемых при возведении интенсивных яблоневых садов, влиянии на рост, развитие и продуктивность полевых опытов в почвенных- климатических условиях Бухарской области.

Ключевые слова: интенсивные яблоневые сады, сорто-подвойных комбинации, способы и уровни обрезки, фитометрические показатели роста и развития, продуктивность.

Abstract. The article provides scientific information on the methods and levels of pruning of varieties used in the construction of intensive apple orchards, the impact on growth, development and productivity of field experiments in the saline-climatic conditions of Bukhara region.

Keywords: intensive apple orchards, nav-nay bandtag, methods and levels of pruning, phytometric indicators of growth and development, efficiency.

Кириш. Ўзбекистон Республикасида интенсив (жадаллаштирилган) мевачилик ва узумчилик аграр соҳасини энг асосий ва ўзига хос соҳалардан бири бўлиб, турли хил тупроқ-иқлим шароити, ярим пакана ва пакана пайвандтаглар олмазорларини парвариш қилиб, мутгасил мўл ва сифатли ҳосил олинмоқда. Юқорида қайд этилган интенсив боғларни яратиш ва парвариш қилиш мамлакатимизда мева ишлаб чиқаришни кескин ошириш, ҳамда уларни сифатини яхшилаш ва энг асосий етиштирилган олма мевасини таннархини камаййтириши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда жадаллаштирилган (интенсив) олма боғлари турли нав-пайвандтаглар комбинацияларида, ҳамда дарахтга муайян шакл бериш, турли хилдаги кесиш усуллари ва даражалари тежамкор томчилатиб суғориш тизимлари муваффақият билан ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинмоқда.

Айни пайтда республикаимиздаги мавжуд боғлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун биргаликда, яратилган ва яратилаётган интенсив боғларда тезроқ, яъни муқимий боғларга экилгандан сўнг 3-4 йилдан кейин ҳосилга кириши бу давр талаби ҳисобланади. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, бу боғларда оптимал нав-пайвандтаг комбинациялари ҳамда кўчат қалинлигини

танлаб олиш ва ҳар йил муттасил мўл ва сифатли ҳосил олишни таъминлаш давр талаби ҳисобланади.

Мевали боғларда энг мақбул нав-пайвандтаглар комбинацияларини таснифи, уларни биологик хусусиятлари ўсиш ва ҳосил бериш қонуниятларини илмий асосда ўрганиш ва ишлаб чиқаришда секин ўсувчи пайвандтаглар ва навларни жорий этиб сезиларли даражада ҳосилдорликни 15-20 ц/га гача ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади[1,2,3,7].

Мевали дарахтларни интенсив(жадаллаштирилган) асосида парваришlash ва энг мақбул агротехник омилларни қўллаш юқорида қайд этилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб шуни алоҳида қайд этиш жоизки танланган ва олиб борилган тадқиқот йўналиши ўта долзарб ва актуал ҳисобланиб, мевали дарахтларни ҳосилдорлигини кескин оширишда ва уларнинг сифатини яхшилашда катта илмий аҳамиятга моликдир.

Кесиш боғдорчиликда кучли таъсир этувчи энг муҳим усул ҳисобланиб, унинг мевали дарахтларга таъсири бир қатор агрономик ва биологик сабабларга тўлиқ боғлиқ ҳисобланади. Биринчи навбатда, шакл бериш ва кесишни ўзига хос усули ва даражаларига, уни ўтказиш муддатларига, дарахт ёши, навнинг биологик-морфологик хусусиятларига, мевали дарахтни ўсиши ва ривожланиши ҳолатига, тупроқ-иқлим шароитларига ҳамда интенсив боғларда ўтказиладиган чора-тадбирларига ва парваришlash технологик омилларнинг бошқа усуллари билан мажмуий равишда олма нав-пайвандтаглар комбинациялари ҳамда кўчат қалинлигини ўрганиш зарур ҳисобланади. Интенсив олма боғларида дарахтларнинг ўсиши ва ривожланишида, транспирациянинг яхшилашда, моддалар алмашинуви ва фотосинтезни маҳсулдорлигини оширишда, ҳосилдорлик миқдори ва сифатини юқори ва муттасил мўл бўлишида кесишнинг ижобий таъсири кўпгина олимлар томонидан аниқланган[4,5,6].

Тажрибанинг объекти ва методикаси. Илмий тадқиқот ишлари 2007-2016 йиллар давомида Бухоро вилояти, Бухоро туманида жойлашган ва боғдорчилик билан шуғулланадиган “Амин Ҳаёт боғи” фермер хўжалигида ўтказилган. Бухоро вилояти чўл зонасида жойлашган бўлиб, тупроқни ҳосил бўлиши жазирама ва қуруқ иқлим шароитида ўтади, иқлими эса кескин континентал ҳисобланади. Иссиқ кўёшли кунлар 240 кунгача давом этади, ҳавонинг кундузги ҳарорати 38,7-46,20 С даража ва ундан ҳам юқори ҳаво ҳарорати июннинг охири, июлнинг бошида бўлади.

Агрокимёвий тадқиқотлар натижалари бўйича яйловли, эски ва янги суғориладиган майдонларда чиринди(гумусни) миқдори жуда кам бўлади. Тупроқнинг ҳайдалма қатламида чиринди миқдори 0,8-1,4% га, азотнинг миқдори 0,06-0,12 % га тенг. Фосфорнинг ялпи миқдори 0,11-0,18 % га ва алмашинувчан калий миқдори 1,5-3 % ни ташкил қилади.

“Амин ҳаёт боғи” фермер хўжалигининг тупроғи аллювиал-қадимдан суғориладиган, кучсиз шўрланган тупроқдан иборат бўлиб, сув сатҳининг юза жойлашиши билан(2,3-2,5м) , механик таркиби бўйича ўртача соз тупроқли ҳисобланади.

Тадқиқот ўтказилган йиллар давомида Бухоро метеорологик расадхонасидан олинган об-ҳаво маълумотлари мевали дарахтларнинг амал даврларида, хусусан интенсив олма дарахтларини етиштириш учун об-ҳаво шароитлари қулай келганлигини гувоҳи бўлди.

Мазкур тадқиқотни ўтказишдан асосий мақсад-ишлаб чиқаришга юқори самарали ёшартирувчи ва меъёрлаштирувчи даврий кесиш усули ва дадаражаларини ҳосил бериб бўлган новдаларда қўллаш, шунингдек, қолдирилган ҳосил берувчи новдалар бўйича қисқартириш даражаларини ўрганиш орқали серунум интенсив боғларда мевалар ҳосилини барқарор ва муттасил оширишини таъминлаш, юқори ва сифатли мева бериш самарадорлигини ошириш, олинган энг ижобий натижалар бўйича ишлаб чиқаришга тавсия беришдан иборат.

1-жадвал

Тажриба тизими

Ҳосил бериб бўлган ўсувчи шохларда меъёрлаштирувчи кесиш усулини қўллаш вариантлари	Қолдирилган ҳосил берувчи куртаклар миқдори, дона
Ишлаб чиқариш шароитида қўлланилаётган кесиш усули тавсия бўйича (назорат)	Қисқартиришсиз
3-йиллик циклик алмашиш бўйича ёшартирувчи кесиш усули	4-8 8-12 12-16 қисқартиришсиз
4-йиллик циклик алмашиш бўйича ёшартирувчи кесиш усули	4-8 8-12 12-16 қисқартиришсиз

Тадқиқот объекти. Тадқиқотлар “Амин Ҳаёт боғи” фермер хўжалигида районлаштирилган; биологик хусусиятлари бўйича 3 хил ММ-106 ўрта кучсиз ўсадиган пайвандтагга уланган олма

навлари-Голден Делишес, Ренет Симиренко ва Первенец Самарканда навларида ўтказилган, бот 2001-йилда 6x4м схемада барпо этилган.

Йил давомида ўсув даврида азотни-200-220 кг/га, фосфорли-150-180 кг/га ва калийли ўғитни-45-60кг/га меъёрида соф ҳолда ва 4-5 мартаба жўяклаб -3200-3500 м³/га меъёрида суғорилган.

Тажриба тизими. Олма дарахти навларида жойлашган ҳосилли шох-шаббаларнинг кесиш усуллари ва даражалари 1-жадвал маълумотларида келтирилган.

Тажриба тизимида кўрсатилган тажриба вариантларида ҳосил бериб бўлган ўсувчи шохларда ёшартирувчи ва меъёрлаштирувчи кесиш усулини 3 ва 4-йиллик циклик алмашиши бўйича кесиш ва ҳосил берувчи шохларни қисқартириш даражаларини аниқлаш ўрганилди. Ўзбекистон республикасида, шу жумладан Бухоро вилоятида амал қилинаётган тавсияларда олма дарахтини кесиш қуруқ, касалланган ва бир-бирини ўсишига халал берадиган ҳосил шохларини кесишдан иборат бўлган қирқиш усулида фойдаланилади.

3-4 йиллик циклик кесишнинг алмашинуви бўйича ишлаб чиқариш шароитида қўлланилаётган кесиш усули (назорат)фонида ҳар йили ҳар бир олма дарахтининг 3-4 йиллик ўсувчи, ҳосил берган шох-шаббалари ёшартирилади, келгуси йилда янги ўсувчи ва ҳосил берувчи новдалар олиш учун 2-3 бўғинли куртакчалар қолдирилиб қисқартирилади. Тажриба ўтказиш жараёнида ўрганиладиган олма навлари бўйича умумқабул қилинган услубий қўлланмалардан ҳисоб-китоб ишлари ҳамда олма дарахтининг фитометрик кўрсаткичлари, ёруғлик ва фотосинтез маҳсулдорлиги ҳамда ҳосилдорлик ва унинг кўрсаткичларини ўрганиш учун Умумиттифок боғдорчилик илмий тадқиқот институтида (1982) ишлаб чиқарилган услубиётдан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари. Ўрганилаётган олма навларидан 3-4 йиллик алмашинувчи кесиш усули ва қисқартириш даражаларини қўллаш орқали, ҳосил берувчи шохлардан 4-8 ҳосил куртаклари қолдирилиб, энг кўп миқдорда ва массада ёғочли новдалар олиб ташланиши аниқланди. Ҳосил берувчи шохларни 3-4 йиллик циклик алмашинувчи кесиш бўйича ёшартириш ва қолдирилган ҳосил берувчи новдаларни меъёрий қисқартириш натижасида, яъни ҳосил бериш учун қолдирилган новдаларни 4-8,8-12,12-16та ҳосил куртаги қолдирилиб кесилган вариантларда кесиш даражасини кучайиши билан бу кўрсаткичлар ошганлиги аниқланган.

Кесилган шох –шаббаларнинг массаси кесиш вариантларида Голден Делишес, Ренет Симиренко ва Первенец Самарканда навларида муттасил равишда 1,2-3,4кг,0,5-3,4кг ва 0,1-3,1 кг назорат вариантыга нисбатан ошганлиги тадқиқотларда аниқладик. Бизнинг тажрибаларимизда олма дарахтларни 3-4 йиллик циклик ёшартирувчи ва меъёрлаштирувчи кесиш бўйича Голден Делишес ва Первенец Самарканда навларида 12-16 куртак бўғинлари, Ренет Симиренко навида эса ҳосил берувчи новдаларда 8-12 дона ҳосил куртаклари қолдирилганда, дарахтларнинг оптимал ўсишига қулай шароит яратилган. Олма дарахти танасини ҳажмининг унумдорлигини ошириш билан биргаликда ушбу дарахтнинг барг сатхининг майдони бирлиги ҳисобига юқори бўлишига ва сифатли ҳосил олинишига шароит яратади. Бизнинг тадқиқотларда синалайотган ММ-106 ўртача ўсаётган пайвандтага уланган Голден Делишес, Ренет Симиренко, Первенец Самарқандда навларининг тўққизинчи вегетациядан кейин дарахтлар қаторлар бўйлаб узунасига туташганлиги аниқланди. Кейинчалик еса йетиштирувчи циклик ўрнини босувчи мейорлаштирувчи қирқиш усули қўлланилган вариантларда ўсувчи дарахт танаси шохларининг баландлиги 3.20-3.65 м атрофида бўлди, дарахт танаси асосий қисмининг ени 1.40-2.0 м ни ташкил этган ҳолда, дарахтнинг тепа қисмига қараб секин-асталик билан пасайиш кузатилди. 15 йиллик ҳосил берувчи дарахтлар танаси баландлигига кесиш усули ва дарахтларнинг тасири 2-жадвалда кўрсатилган.

2-жадвал.

15-йиллик ҳосил берувчи олма дарахти танаси баландлигига кесиш усули ва даражаларнинг тасири (см). 2016 йил

Вариантлар	Нав		
	Голден Делише	Ренет Симиренко	Первенас Самарқанда
1	385	395	380
2	320	325	318
3	322	330	320
4	330	374	325
5	340	345	336
6	325	330	322
7	338	340	330
8	340	345	336
9	345	350	340

Келтирилган 2-жадвал маълумотларнинг тахлилига кўра, ўрнатилаётган вариантларида дарахтларнинг баландлиги 350-365 см атрофида бўлиб, 3-4 йиллик циклик ўрнини босувчи ёшартирувчи ва меъёрланган кесиш даражалари вариантларида эса 318-350 см ни ташкил қилди ва Ренет Симиренко навида ушбу кўрсаткич энг юқори бўлди.

Кесиш тадбири ўтказилган вариантларда эса дарахт танаси проекциялари остидаги майдонларнинг ўзлаштирилиши 47-54% ни ташкил қилди, ушбу кўрсаткич жадаллашган типдаги ҳозирзамон санот боғлари учун меъёр даражасида ҳисобланади. Дарахтларнинг вегетатив ва репродуктив фаолиятини тартибга солиш ва уни бошқариш нисбатлари –агротехникани асосий вазифаларидан бири бўлиб, бунда айнан дарахтларга муайян шакл бериш ва кесиш усули ва даражаларига риоя қилиб қирқганда, уларнинг ўсиш ҳамда ривожланиши меърида кечиби, новдалар фақат мақбул муҳитга ёки бўлмаса мақбул шароитларга яқин томонга йўналишини доимо бошқариб туриш лозим.

Ўрганилаётган 3 хил навлар бўйича турли хил кесиш усули ва даражалари қўлланилган вариантларда дарахт танасида шох-шаббанинг яруслаб бўйлаб жойланиши жуда ҳам қулай бўлиб, ўриндош новдаларни алмаштириш учун 3-4 цикл билан ёшартирувчи ва меъёрлаштирувчи кесиш усули ва қисқартириш даражалари қўлланган вариантнинг пастки ярусидан -32%, ўрта ярусидан 58% ва юқори қаватда 10% янги ўсувчи шохлар жойлашди. Назорат вариантыда эса ўсувчи шохлар яруслар ва дарахт танаси бўйлаб қарийиб тенг миқдорда жойлашди, ушбу кўрсаткич синалаётган вариантлар билан таққосланганда жуда ҳам кам қулайликка эга бўлади.

Ёши ва ўлчами катта дарахтларда парваришlash технологик харитада кўрсатган омиллар асосида олиб борилса, дарахтнинг умумий ҳолати яхшиланиб, унинг ёруғлик билан таъминланиши ошади, гул куртакларнинг ортиқча сони қисқаради, пировард натижада, кўзда тутилган даражада мевалар ҳосили ошади, сифати эса кескин яхшиланади. Интенсив боғлардан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг энг самарали йўлидан бири-бу дарахт танаси шох-шаббаларининг кесиш усули ва даражаларидан оқилона фойдаланиш бўлиб, ушбу тадбир орқали, уларнинг фаол ўсиши ва генератив органларнинг новдаларда шаклланишида қулай шароитларни вужудга келтириш имкони яратилиб, ҳар йили юқори ҳосил олишни таъминлайди. Тадқиқот натижалари шундан дарак берадики, дарахтнинг мева бериш кўрсаткичларига ҳосил олиш учун қўйилган новдаларни 3-4 йиллик цикл бўйича ёшартирувчи кесиш усули ва даражаларини қўллаш ижобий таъсир кўрсатилганлиги аниқланди.

Тадқиқот йиллари давомида ўртача ҳосилдорлик, ҳосил бериб бўлган шохларни ўриндош сифатида 3-4 йиллик цикл бўйича ёшартирилганда ва ҳосил берувчи шохларда 4дан 16 тагача ҳосил куртак қолдириб кесилганда олмани Голден Делишес навида 0,1-4,0 ц/гача, Ренет Симиренко навида 0,9-3,5 ц/гача ва Первенец Самарканда навида назорат вариантыга нисбатан 0,6-3,1 ц/гача қўшимча ҳосил олинди. Энг яхши натижалар ҳосил бериб бўлган шохларни 3-4 йиллик ёшартириш фонида ҳосил берувчи новдаларда 8-16 дона ҳосил куртакларни қолдирилган вариантларда олинди. Ўрганилган кесиш вариантларда бир дона олмани ўртача вазни назорат вариантыга нисбатан Голден Делишес навида 41-56 г, Ренет Симиренко навида 16-35 г ва Первенец Самарканда навида эса 35-49 грамм гача ошди.

Хулоса. Ўрганилган олма навларида энг мақбул ҳосилдорлик ва юқори сифатли ҳосилига эришилган вариантлар бу ҳосил бериб бўлган шохларни ўриндош сифатида 3-4 йиллик цикл бўйича ёшартириб, ҳосил берувчи новдаларда 8-16 дона ҳосил куртаклари қолдирилиб кесилган вариантларда эришилди.

Мевачилик соҳасини юқори иқтисодий кўрсаткичларга кўтариш учун мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиб, интенсивлаштиришни юқори сифат кўрсаткичларига эришиш ҳамда хўжалик йўналишини бозор иқтисодиёти шароитига мослаштириш талаб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Арипов А.У, Арипов А.А. Уруғлик интенсив мева боғлари .Т., "Шарк", 2013, 156 бет
2. Юнусов Р., Умаров К. Боғдорчилик .Т., "Миллий файласуфлар жамаиати", 2007, 182 бет
3. Юнусов Р., Умаров К., Каримов Б.Ш Боғдорчилик .Т., "Миллий файласуфлар жамаиати", 2016, 186-бет.
4. Ганиева Ф.А., Юнусов Р. Рост и развитация вегетативно-размножаемых подвоев яблони в зависимости от плотности посадки. Ж. "Столица науки", М.2021. <https://www.sgiointific-cfpitfl.ru>.
5. Юнусов Р., Ганиева Ф.Н., Тўраева Н.М. Рост и плодоношение деревьев персика в орошеимых садах в зависимости от плотности насадки. //Столица науки. М.2021. <https://www.sgiointific-cfpitfl.ru>.
6. Юнусов Р. Влияние обрезки на экономической эффективности производство плодов яблоки. Ж. Сельское хозяйство Таджикистана, 1985, №3, 11-12с
7. Бабук В.И., Юнусов Р., Рост и плодоношение деревьев яблони интенсивных садах в зависимости от обрезки. Ж. Садоводство, виноградарство и виноделие Молдавии. 2, 18-19 с.